ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ахборот технологиялари» факультети
«Информатика ва КГ » кафедраси

«Информатика»
фани бўйича маърузалар матни

С/С++ дастурлаш тили
2-қисм

Тошкент -2011

1-маъруза
C / C++ тилида массивлар.

Мақсад: C / C++ тилида массивлар устида амаллар бажариш кўникмасини ҳосил қилиш.
Калит сўзлар: массив, элемент, индекс, сатр, устун, символли массив.

Режа:

1. Массивлар хакида тушунча.
2. C / C++ тилида 1улчовли ва 2 улчовли массивлар билан ишлаш.
3. Массив элементларини киритиш ва чиқариш.
4. Массивлар устида амаллар бажариш.
5. Символли ва сўзлар массивларини ташкил этиш.
6. Кўрсаткичли массивлар билан ишлаш асослари.

1.1. Бир ўлчовли массивлар.

Массивларни таърифлаш.Бир ўлчовли массивлар.

Массив бу бир типли номерланган маълумотлар жамланмасидир. Массив индексли узгарувчи тушунчасига мос келади. Массив таърифланганда типи, номи ва индекслар чегараси курсатилади. Мисол учун long int a[5]; char w[200];double f[4][5][7]; char[7][200]. Массив индекслар хар доим 0 дан бошланади. Си тили стандарти буйича индекслар сони 31 тагача булиши мумкин, лекин амалда бир улчовли ва икки улчовли массивлар кулланилади. Бир улчовли массивларга математикада вектор тушунчаси мос келади. Массивнинг int z[3] шаклдаги таърифи, int типига тегишли z[0],z[1],z[2] элементлардан иборат массивни аниклайди.

Массивлар таърифланганда инициализация килиниши, яъни бошлангич кийматларлари курсатилиши мумкин. Мисол учун:

float C[]={1,-1,2,10,-12.5};

Бу мисолда массив чегараси автоматик аникланади. Агар массив инициализация килинганда элементлар чегараси курсатилган булса , руйхатдаги элементлар сони бу чегарадан кам булиши мумкин, лекин ортик булиши мумкин эмас.

Мисол учун int A[5]={2,-2}. Бу холда a[0] ва a[1] кийматлари аникланган булиб, мос холда 2 ва –2 га тенг.

Массивда мусбат элеменлар сони ва суммасини хисоблаш.

```
# include <iostream.h>;
# include <conio.h>;
Main() {
```

```
Int  x[]={-1;2;5;-4;8;9};
Clrscr();
For (int s=0,int k=0, int I=0; I<6; I++) {
If (x[I]<=0) continue;
k++;s++;  }
Cout<<k;
Cout<<s;
getch( ); };
```

Массивнинг энг катта, энг кичик элементи ва урта кийматини аниклаш:

```
 #include <iostream.h>
Void main( )
{
Int I,j,n;
Float a,b,d,x[100];
While(1)
{
Cout<<("\n n="); Cin>>n;
If ( n>0 && n < = 100 ) break;
Cout<<"\n Хато  0<n<101 булиши керак";
}
Cout<<"\n элементлар кийматларини киритинг:\n";
For (i=0;i<n;i++)
{ Cout<<"x["<<i<<"]="; Cin>>x[i];}
max=x[0];min=x[0];
For (s=0,i=0;i<n;i++)
{ s++;
  If (max<x[i]) max=x[i];
  If (min>x[i]) min=x[i]; }
s/=n;
Cout<<"\n max="<<max;
Cout<<"\n min="<<min;
Cout<<"\n урта киймат="<<s;  }
```

1.2. Икки ўлчовли массивлар. Жадваллар билан ишлаш

Икки улчовли массивлар математикада матрица еки жадвал тушунчасига мос келади. Жадвалларнинг инциализация килиш коидаси, икки улчовли массивнинг элементлари массивлардан иборат булган бир улчовли массив таърифига асослангандир.

Мисол учун икки катор ва уч устундан иборат булган хакиикий типга тегишли d массив бошлангич кийматлари куйидагича курсатилиши мумкин:

float d[2][3]={(1,-2.5,10),(-5.3,2,14)};

Бу езув куйидаги киймат бериш операторларига мосдир:

d[0][0]=1;d[0][1]=-2.5;d[0][2]=10;d[1][0]=-5.3;d[1][1]=2;d[1][2]=14;

Бу кийматларни битта руйхат билан хосил килиш мумкин:

float d[2][3]={1,-2.5,10,-5.3,2,14};

Инициализация ердамида бошлангич кийматлар аникланганда массивнинг хамма элементларига киймат бериш шарт эмас.

Мисол учун: int x[3][3]={(1,-2,3),(1,2),(-4)}.

Бу езув куйидаги киймат бериш операторларига мосдир:

x[0][0]=1;x[0][1]=-2;x[0][2]=3;x[1][0]=-1;x[1][1]=2;x[2][0]=-4;

Инициализация ердамида бошлангич кийматлар аникланганда массивнинг биринчи индекси чегараси курсатилиши шарт эмас, лекин колган индекслар чегаралари курсатилиши шарт.

Мисол учун:

Double x[][2]={(1.1,1.5),(-1.6,2.5),(3,-4)}

Бу мисолда автоматик равишда каторлар сони учга тенг деб олинади.

Куйидаги курадиган мисолимизда жадвал киритилиб хар бир каторнинг максимал элементи аникланади ва бу элементлар орасида энг кичиги аникланади:

```
#include <iostream.h>
void main()
{ double a[4,3]; double s,max=0.0,min=0.0;
int i,j;
for(i=0;i<4;i++) {
for(j=0;j<3;j++)
{ Cout<<“a[“<<i<<”][“<<j<<”]=”;Cin>>s;a[i,j]=s;
if (max<s) max=s;
};
Cout<<’\n’;
if (max<min) min=max;  }
Cout<<“\n min=”,min;  }
```

Массив элементларига сон қиймат беришда компьютер хотирасидаги тасодифий бутун сонлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Бунинг учун стандарт кутубхонанинг rand ( ) функциясини ишга тушириш керак. rand ( ) функцияси ёрдамида 0 ÷ 32767 ораликдаги ихтиёрий сонларни олиш мумкин. Бу кийматлар умуман тасодифийдир. (псевдо – тасодифий дегани).

Агар дастур кайта-кайта ишлатилса, айти тасодифий кийматлар такрорланаверади. Уларни янги тасодифий кийматлар килиш учун srand ( ) функциясини дастурда бир марта эълон килиш керак. Дастур ишлаши жараёнида эхтиёжга караб rand ( ) функцияси чакирилаверади. Тасодифий кийматлар билан ишлаш учун <stdlib.h> файлини эълон килиш зарур. srand ( ) функциясидаги кийматни автоматик равишда узгарадиган холатга келтириш учун srand (time (NULL)) ёзиш маъкул, шунда компьютер ичидаги соатнинг киймати time ( ) функцияси ёрдамида урнатилади ва srand га параметр сифатида берилади. NULL ёки 0 деб ёзилса, киймат секундлар куринишида берилади. Вакт билан ишлаш учун <time.h> ни эълон килиш керак.

```
# include <iostream.h>
# include <conio.h>
```

```
# include <stdlib.h>
# include <time.h>
void main ( )
{ srand ( time (0));
int a[5], b[5], i;
for (i = 0; i < 5;  i++)     a[i] = rand ( );
for (i = 0; i < 5;  i++)
{  b[i] = a[i] + 64;
cout << "b="<<b[i]<<endl; }    getch ( ); }
```

Изох: тасодифий сонлар ичида манфий сонларнинг хам катнашишини ихтиёр этсак,

a[i] = 1050 - rand ( ); ёки a[i] = rand ( )-1000; деб ёзиш хам мумкин.

2-мисол. 2та матрица берилган. Уларни ўзаро кўпайтириб янги матрица ҳосил қилинг. Бу ерда 1-матрицанинг устунлар сони 2-матрицанинг сатрлар сонига тенг бўлиши керак.




```
# include <iostream.h>
# include <conio.h>
# include <stdlib.h>
# include <time.h>
void main ( )
{
{ srand ( time (0));
int a[3][3], b[3][3],c[3][3], i, j, k;
for (i=0; i<3; i++)
for (j=0; j<3; j++)
a[i][j] = rand ( );
for (i=0; i<3; i++)
for (j=0; j<3; j++)
b[i][j] = rand ( );
for (i=0; i<3; i++)
{ for (j=0; j<3; j++)
{  c[i][j] = 0;
for (k=0; k<3; k++)
c[i][j] = c[i][j] + a[i][k]*b[k][j];
cout <<"c="<<c[i][j]<<"\t"; }
 cout << endl; }
getch ( );}
```

1.3. Символли массивлар.

Си тилида сатрлар символли массивлар сифатида таърифланади. Символли массивлар куйидагича тасвирланиши мумкин: Char pas[10];

Символли массивлар куйидагича инициализация килинади:

Char capital[]=”TASHKENT”; Бу холда автоматик равишда массив элементлари сони аникланади ва массив охирига сатр кучириш ‘\n’ символи кушилади.

Юкоридаги инициализацияни куйидагича амалга ошириш мумкин:

Char capital[]={‘T’,’A’,’S’,’H’,’K’,’E’,’N’,’T’,’\n’};

Бу холда суз охирида ‘\n’ символи аник курсатилиши шарт.

Мисол учун палиндром масаласини куриб чикамиз. Палиндром деб олдидан хам охиридан хам бир хил укиладиган сузларга айтилади. Мисол учун нон. Дастурда киритилган суз палиндром эканлиги аникланади:

```
#include <iostream.h>
void main()
{
  gets(a);
for( int j=0, a[j]!=’\0’;j++);
I=0;
while(I<j)
if (a[I++]!=a[j--]) break;
if ((j-I)>1) Cout<<(“Палиндром эмас”) else Cout<<(“Палиндром”);
```

Кейинги мисолимизда киритилган суздан берилган харф олиб ташлаш дастури берилган:

```
#include <iostream.h>
void main()
{

char s[100];
int c;
cin>>s;
int i, j;

for ( i = j = 0; s[i] != '\0'; i++)
if ( s[i] != c )
s[j++] = s[i];
s[j] = '\0';

    cout<<s;
    }
```

Хар гал 'c' дан фаркли символ учраганда , у J позицияга езилади ва факат шундан сунг J киймати 1 га ошади. Бу куйидаги езувна эквивалент:

```
if ( s[i] != c )
        s[j] = s[i];
        j++;
```

Сузлар массивлари.

Си тилида сузлар массивлари икки улчовли символли массивлар сифатида таърифланади. Мисол учун:

Char Name[4][5].

Бу таъриф ердамида хар бири 5 та харфдан иборат булган 4 та сузли массив киритилади. Сузлар массивлари куйидагича инициализация килиниши мумкин:

Char Name[3][8]={“Анвар”,”Миркомил”,”Юсуф”}.

Бу таърифда хар бир суз учун хотирадан 8 байт жой ажратилади ва хар бир суз охирига ‘\0’ белгиси куйилади.

Сузлар массивлари инициализация килинганда сузлар сони курсатилмаслиги мумкин. Бу холда сузлар сони автоматик аникланади:

Char comp[][9]={“компьютер”,”принтер”,”картридж”}.

Куйидаги дастурда берилган харф билан бошланувчи сузлар руйхати босиб чикарилади:

```
#include <iostream.h>
void main()
{ char a[10][10];
   char c;
for (int i=0;i<10;i++) cin>>a[i];
cin>>c;
for (i=0;i<10;i++) if (a[i][0]==c) cin>>a[i];
}
```

Куйидаги дастурда фан номи, талабалар руйхати ва уларнинг бахолари киритилади. Дастур бажарилганда икки олган талабалар руйхати босиб чикарилади:

```
#include <iostream.h>
void main()
{ char a[10][10];
  char s[10];
  int k[10];
cin>>s;
for (int i=0;i<10;i++) cin>>a[i];
```

```
for (i=0;i<10;i++) {Cin>>k[i]};
for (int i=0;i<10;i++)  if (k[i]==2) cout<<a[i];
}
```

1.4. Курсаткичлар массивлари.

Курсаткичлар массивлари куйидагича таърифланади

<тип> *<ном>[<сон>]

Мисол учун int *pt[6] таъриф int типидаги объектларга олти элементли массивни киритади.

Курсаткичлар массивлари сатрлар масссивларини тасвирлаш учун кулайдир.

Мисол учун фамилиялар руйхатини киритиш учун икки улчовли массивдан фойдалани керак. char fam[][20]={“Олимов”,”Рахимов”,”Эргашев”}

Хотирада 60 элементдан иборат булади, чунки хар бир фамилия гача 0 лар билан тулдирилади.

Курсаткичлар массиви ердамида бу массивни куйидагича таърифлаш мумкин.

Char *pf[]= {“Олимов”,”Рахимов”,”Эргашев”}.

Бу холда руйхат хотирада 23 элементдан иборат булади, чунки хар бир фамилия охирига 0 белгиси куйилади

Курсаткичлар массивлари мураккаб элеменларни содда усулда тартиблашга имкон беради.

Куйидаги мисолда матрица сатрлари биринчи элементлари усиши тартибида чикарилади. Бу мисолда ердамчи курсаткичлар массиви яратилиб шу массив тартибланади ва массив асосида матрица элементлари чикарилади.

```
# include <iostream.h>
void main()
{int n=2;
 int m=3;
array[][3]={(1,3,5),(3,1,4),(5,7,1)};
int *pa[n];
for (i=0;i<n;i++) pa[I]=(int *)&a[i];

for (i=0;i<n-1;i++)
{for (int k=i=1;k<n;k++)
if a[i][1]>a[k][1]
{ int *pp=pa[i];
pa[i]=pa[k];pa[k]=pp;};

for (i=0;i<n;i++)
{Cout<<’\n’<<i+1;
for (int j=0;j<magistr;j++)
```

```
Cout<<pa[i][j];}
};
```

Курсаткичлар массивлари функцияларда матрицалар кийматларини узгартириш учун мумкин. Куйидаги мисолда матрицани транспонирлаш функцияси ишлатилади.

```
Void trans(int n,double *p[]);
{ double x;
for (int i=0;i<n-1;i++)
for (int j=i+1;j<n;j++)
{x=p[i][j];
p[i][j]=p[j][i];
p[j][i]=x;
}
};
void main()
{double a[3,3]={11,12,13,21,22,23,31,32,33};
double ptr={(double*)&a[0], (double*)&a[1], (double*)&a[2]};
int n=3;
trans(n,ptr);
for (int i=0;i<n;i++)
{Cout<<'\n'<<,i+1;
for (int j=0;j<n;j++)
Cout<<'\n'<<a[i][j]);
};
};
```

Назорат саволлари

1. Массив деб нимага айтилади?
2. c/c++ тилида массивларни кандай ифода этилади?
3. 1 улчовли массив элементларини киритиш ва чикариш усуллари.
4. 2 улчовли массив элементларини киритиш ва чикариш усуллари.
5. Массив элементларига сон киймат беришда тасодифий кийматлардан фойдаланиш
6. Массив элементларини натижа сифатида чикариш усуллари.
7. 1 улчовли массив элементларини кушиш алгоритми.
8. 1 улчовли массив элементларини купайтириш алгоритми.
9. 2 улчовли массив элементларини кушиш алгоритми.
10. 2 улчовли массив элементларини купайтириш алгоритми.
11. Массив элементларини йигиш ёки купайтириш алгоритми.
12. 1 улчовли массив элементларини саралаш алгоритми.
13. 2 улчовли массив элементларини саралаш алгоритми.
14. 2 улчовли массив элементларини сатр буйича саралаш алгоритми.
15. 2 улчовли массив элементларини устун буйича саралаш алгоритми.
16. Массивнинг изини хисоблаш алгоритми.
17. Символлардан иборат массивларни ҳосил қилиш.
18. Сўзлардан тузилган массивлар ва улар устида амаллар бажариш

Адабиётлар

1. Т.Х.Холматов ва бошқалар. “Информатика”, Тошкент, 2003
2. Р.Каримов ва бошқалар. “Дастурлаш”, Тошкент, 2003
3. Ш.Ш.Шохамидов. “Амалий математика элементлари”, Тошкент, 1997
4. Ашарина И.В. “Основы программирования на языках С и С++”, Москва, 2002
5. Павловская Т.А. «С /С++ программирование на языке высокого уровня», С.Петербург, 2001
6. В.В.Подбельский, С.С.Фомин. Программирование ва Си. Москва, 2004

ТЕСТЛАР

1. Массив элементларидан фойдаланиш нима оркали бажарилади:
   A) FIFO йуналиш
   B) LIFO йуналиш
   C) нукта операцияси
   D) элемент исми
   +E) элемент индекси

2. Массив нотугри таърифини курсатинг:
   A) int a[20];
   B) int a[]={1,2,3,4};
   C) int a[4]={1,2,3,4};
   +D) int a[2]={1,2,3,4};
   E) хаммаси тугри

3. Квадрат (n,n) матрицанинг кайси кисмини берилган фрагмент коди тулдиради?

```
for(i=0;i<n;++i)
for(j=n-i;j<n;++j)
a[i][j]=i+j+1;
```

   A) асосий диагональ элементларини
   B) асосий диагональ устидаги элементларни
   +C) асосий диагональ остидаги элементларни
   D) кушимча диагональ элементлари
   E) кушимча диагональ устидаги элементлари

4. Экранга нима чикади?

```
#include <string.h>
#include <iostream.h >
void main()
{
char a[] = "123";
cout<<strlen(a);
}
```

   A) 6
   +B) 3
   C) 4
   D) 8
   E) 8

5. Массив деб нимага айтилади?
+A). Элементларнинг тартибланган структураси

B). Элементларнинг тартибланмаган структураси
C) Элементларнинг ихтиёрий структураси
Д) Тўғри жавоб берилмаган.

7. C/C++ тилида неча ўлчовгача массивлар ишлатилиши мумкин?
A) 7тагача
+B) 31тагача
C) 3тагача
D) 2 тагача

8. C/C++ тилида массив индекси нечадан бошланади?
A) 1 дан
B) 7 дан
+C) 0 дан
Д) 2дан

9. Массив элементларига тасодифий кийматлар бериш учун кайси директива ишлатилади?
A) iostream.h
B) conio.h
C) math.h
+Д) stdlib.h

10. Массив элементларига тасодифий кийматлар бериш учун кайси функция ишлатилади?
A) sin ( )
B) srand ( )
+C) rand ( )
Д) NULL ( )

2-маъруза
Функциядан фойдаланиш асослари.

Мақсад: C / C++ тилида функциялар яратиш ва улардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Калит сўзлар: функция, соҳта параметр, ҳақиқий параметр, функцияга қиймат қайтариш, C / C++ тилида функция-процедура.

Режа:

1. Фойдаланувчининг функциясини яратиш асослари.
2. Функцияга параметрларни узатиш.
3. Функция параметрлари қийматини ўзгартириш. Процедуралар ҳосил қилиш.
4. Иловалардан фойдаланиш.
5. Рекурсия холати.

2.1 Фойдаланувчи Функциялари.

Функцияларни таърифлаш ва уларга мурожаат килиш. Функция таърифида функция номи, типи ва формал параметрлар руйхати курсатилади. Формал параметрлар номларидан ташкари типлари хам курсатилиши шарт. Формал параметрлар руйхати функция сигнатураси деб хам аталади.

Функция таърифи умумий куриниши куйидагичадир:

Функция типи функция номи(формал_параметрлар_таърифи)

Формал параметрларга таъриф берилганда уларнинга бошлангич кийматлари хам курсатилиши мумкин.

Функция кайтарувчи ифода киймати функция танасида **return** <ифода> ; оператори оркали курсатилади. Мисол:

```
Float  min(float, float b)
{ if (a<b) return a;
      return b; }
```

Функцияга мурожаат килиш куйидагича амалга оширилади:

Функция номи (хакикий параметрлар руйхати)

Хакикий параметр ифода хам булиши мумкин. Хакикий параметрлар киймати хисобланиб мос формал параметрлар урнида ишлатилади.

Мисол учун юкоридаги функцияга куйидагича мурожаат килиш мумкин:

Int x=5,y=6,z; z=min(x,y) еки int z=Min(5,6) еки int x=5; int z=min(x,6)

Функция таърифида формал параметрлар инициализация килиниши, яъни бошлангич кийматлар курсатилиши мумкин.

Функцияга мурожаат килинганда бирор хакикий параметр курсатилмаса, унинг урнига мос формал параметр таърифида курсатилган бошлангич киймат ишлатилади.

Мисол учун:

```
Float  min(float a=0.0, float b)
{ if (a<b) return a;
      return b; }
```

Бу функцияга юкорида курсатилган мурожаат усулларидан ташкари куйидагича мурожаат килиш мумкин:

Int y=6,z; z=min(,y) еки int z=Min(,6);

Агар функция хеч кандай киймат кайтармаса унинг типи **void** деб курсатилади.

Мисол учун:

```
Void print;
{ Cout<<("\n Salom!);
};
```

Бу функцияга Print; шаклида мурожжат килиш экранга Salom! Езилишига олиб келади.

Киймат кайтармайдиган функция формал параметрларга эга булиши мумкин:

```
Void Pint_Baho(Int baho);
{
Switch(baho)
{case 2:Cout<<("\n  емон");break;
case 3:Cout<<("\n  урта");break;
case 4:Cout<<("\n  яхши");break;
case 5:Cout<<("\n  аъло");break;
default: Cout<<("\n  бахо нотугри киритилган");
};
```

Бу функцияга Print_Baho(5) шаклида мурожаат килиш экранга аъло сузи езилишига олиб келади.

Агар программада функция таърифи мурожаатдан кейин берилса, еки функция бошка файлда жойлашган булса, мурожжатдан олдин шу функциянинг прототипи жойлашган булигши керак. Прототип функция номи ва формал параметрлар типларидан иборат булади. Формал параметрлар номларини бериш шарт эмас.

Мисол учун y=min(a,b)+2*max(c,d) ифодани хисоблашни курамиз:

```
#Include <iostream.h>
int max(int a,int b)
{if (a<b) return a;else return b};
void main()
```

```
{int a,b,c,d,y;
 int min(int ,int);
 Cin>>a>>b>>c>>d;
y=min(a,b)+2*max(c,d);
Cout<<("\n %f",y);
};
int min(int a,int b)
{if (a<b) return b;else return a};
```

Функцияга параметрлар узатиш. Функцияга параметрлар киймат буйича узатилади ва куйидаги боскичлардан иборат булади:

1. Функция бажаришга тайерланганда формал параметрлар учун хотирадан жой ажратилади, яъни формал параметрлар функцияларнинг ички параметрларига айлантирилади. Агар параметр типи float булса double типидаги объектлар хосил булади, char ва shortint булса int типидаги объектлар яратилади.
2. Хакикий параметрлар сифатида ишлатилган ифодалар кийматлари хисобланади.
3. Хакикий параметрлар ифодалар кийматлари формал параметрлар учун ажратилган хотира кисмларига езилади. Бу жараенда float типи double типига, char ва shortint типлари int типига келтирилади.
4. Функция танаси ички объектлар – параметрлар ердамида бажарилади ва киймат чакирилган жойга кайтарилади.
5. Хакикий параметрлар кийматларига функция хеч кандай таъсир утказмайди.
6. Функциядан чикишда формал параметрлар учун ажратилган хотира кисмлари бушатилади.

С тилида чакирилган функция чакирувчи функциядаги узгарувчи кийматини узнартира олмайди. У факат узининг вактинчалик нусхасини узгартириши мумкин холос.

Киймат буйича чакириш кулайлик тугдиради. Чунки функцияларда камрок узгарувчиларни ишлатишга имкон беради. Мисол учун шу хусусиятни акс эттирувчи POWER функцияси вариантини келтирамиз:

```
 power(x,n)
int x,n;
int p;

for (p = 1; n > 0; --n)
  p = p * x;
return (p);
```

Аргумент N вактинчалик узгарувчи сифатида ишлатилади. Ундан то киймати 0 булмагунча бир айрилади. N функция ичида узгариши функцияга мурожжат килинган бошлангич кийматига таъсир килмайди.

2.2 Функция параметрлари кийматларини узгартириш. Процедуралар.

Курсаткичлардан фойдаланиш. Функцияга параметрлар кийматлари узатилиши хакикий параметрлар кийматларини функция танасида узгартириш имконини бермайди. Бу муаммони хал килиш учун курсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Мисол учун туртбурчак юзи ва периметрини берилган томонлари буйича хисоблаш функциясини куйидагича тасвирлаш мумкин.

```
void pr(float a,float b, float* s, float* p)
{ *p=2(a+b);
  *s= a*b;
}
```

Бу функцияга куйидагича мурожаат килиниши мумкин pr(a,b,&p,&s). Функцияга p ва s узгарувчиларнинг адреслари узатилади. Функция танасида шу адреслар буйича 2*(a+b) ва a*b кийматлар езилади.

Кейинги мисолда берилган икки узгарувчининг кийматларини узаро алмаштириш функциясидан фойдаланилади:

```
Include <iostream.h>
Void swap(float* b,float* c);
{float  e;
e=*b;
*b=*c;
*c=e;
}
void main()
{float x,z;
Cin>>x;
Cin>>z;
swap(&x,&z);
Cout<<'\n'<<x<<'\n'<<z;  }
```

Иловалардан фойдаланиш. Иловалардан функция параметрлари сифатида фойдаланиш хакикий параметрлар кийматларини узгартиришга имкон беради. Курсаткичлардан устунлиги шундан иборатки адрес буйича киймат олиш автоматик бажарилади. . Натижада юлдузча (*) амалидан фойдаланилмайди.

Мисол учун туртбурчак юзи ва периметрини берилган томонлари буйича хисоблаш функциясини иловалардан фойдаланиб куйидагича тасвирлаш мумкин.

```
void pr(float a,float b, float & s, float & p)
{ p=2(a+b);
  s= a*b;  }
```

Бу функцияга куйидагича мурожаат килиниши мумкин pr(a,b,p,s).

Кейинги мисолда берилган икки узгарувчининг кийматларини узаро алмаштириш функциясидан фойдаланилади:

```
Include <iostream.h>
Void swap_values(float* b,float* c);
{float  e;
e=b;
b=c;
c=e;
}
void main()
{float x,z;
Cin>>x;
Cin>>z;
swap_values(x,z);
Cout<<'\n'<<x<<'\n'<<z;  }
```

2.3 Рекурсия.

Рекурсив функциялар. Рекурсив функция деб узига узи мурожжат килувчи функцияга айтилади. Мисол учун факториални хисоблаш функциясини келтирамиз:

```
Long fact(int k)
{if (k<0) return 0;
if (k==0) return 1;
return k*fact(k-1);
}
```

Манфий аргумент учун функция 0 киймат кайтаради. Параметр 0 га тенг булса функция 1 киймат кайтаради. Акс холда параметр киймат бирга камайтирилган холда функциянинг узи чакирилади ва узатилган параметрга купайтирилади. Функциянинг уз узини чакириш формал параметр киймати 0 га тенг булганда тухтатилади.

Кейинги мисолимизда ихтиерий хакикий соннинг бутун даражасини хисоблаш рекурсив функциясини келтирамиз.

```
Double expo(double a, int n)
```

```
{ if (n==0) return 1;
if (a==0.0) return 0;
if (n>0) return a*expo(a,n-1);
if(n<0) return expo(a,n+1)/a;
}
```

Мисол учун функцияга expo(2.0,3) шаклда мурожаат килинганда рекурсив равишда функциянинг иккинчи параметри камайган холда мурожжатлар хосил булади:

Expo(2.0,3),expo(2.0,2),expo(2.0,1),expo(2.0,0). Бу мурожаатларда куйидага купайтма хисобланади: 2.0*2.0*2.0*1 ва керакли натижа хосил килинади.

Шуни курсатиб утиш керакки бу функциямизда ноаниклик мавжуддир яъни 0.0 га тенг соннинг 0 чи даражаси 0 га тенг булади. Математик нуктаи назардан булса бу холда ноаниклик келиб чикади. Юкоридаги содда мисолларда рекурсиясиз итератив функциялардан фойдаланиш максадга мувофикдир.

Масалан даражани хисоблаш функцияни куйидагича тузиш мумкин:

```
Double expo(double a, int n)
{ if (n==0) return 1;
if (a==0.0) return 0;
int k=(n>0)?n:-n;
for(double s=1.0,int i=0;i<k;i++,s*=a);
if (n>0) return s else return 1/s;
}
```

Рекурсияга мисол сифатида сонни сатр шаклида чикариш масаласини куриб чикамиз. Сон ракамлари тескари тартибда хосил булади. Биринчи усулда ракамларни массивда саклаб сунгра тескари тартибда чикаришдир.

Рекурсив усулда функция хар бир чакирикда бош ракамлардан нусха олш учун уз узига мурожаат килади, сунгра охирги ракамни босиб чикаради.

```
printd(n)
int n;
 { int i;
  if (n < 0)  cout<<'-';
       n = -n;
  if ((i = n/10) != 0)
       printd(i);
  cout<<n % 10;   }
```

PRINTD(123) чакирикда биринчи функция PRINTD N = 123 кийматга эга. У 12 кийматни иккинчи PRINTD га узатади, бошкариш узига кайтганда 3 ни чикаради.

Назорат саволлари

1. Функция деб қандай структурага айтилади?
2. Функция нималардан ташкил топади?
3. Функциядан қандай чиқилади?
4. Функциянинг сохта параметрлари қандай аниқланади?
5. Функцияга мурожаат қилиш, унинг ҳақиқий параметрларини аниқлаш
6. Функцияларни эълон қилиш қоидалари.
7. Функция ичида параметрлар қийматларини ўзгартириш.
8. Функция – процедуралар хосил қилиш ва уларга мурожаат қилиш.
9. Рекурсия холати. Рекурсияни тўхтатиш.

Адабиётлар

1. Т.Х.Холматов ва бошқалар. “Информатика”, Тошкент, 2003
2. Р.Каримов ва бошқалар. “Дастурлаш”, Тошкент, 2003
3. Ш.Ш.Шохамидов. “Амалий математика элементлари”, Тошкент, 1997
4. Ашарина И.В. “Основы программирования на языках С и С++”, Москва, 2002
5. Павловская Т.А. «С /С++ программирование на языке высокого уровня», С.Петербург, 2001

ТЕСТЛАР

1. Агар continue оператори цикл оператори ичида келса, у холда:

+A) у бошкарувни циклнинг келаси итерациясининг бошланишига узатади

B) у бошкарувни циклнинг олдинги итерациясининг охирига узатади

C) у бошкарувни белгидан кейин келган цикл итерациясига узатади

D) у бошкарувни циклдан кейинги операторга узатади

E) у бошкарувни программа бошига узатади

2. Блокнинг ичида ифодаланган узгарувчи качон куринади?

A) ифодаланган нуктадан дастур охиригача

B) ифодаланган нуктадан функция охиригача

+C) ифодаланган нуктадан блок охиригача

D) блок ичида

D) блок ташкарисида

3. Дастурда кайси функция булиши шарт?

A) local()

+B) main()

C) friend()

D) global()

E) inline()

4. Библиотекали exit() функцияси нимадан чикиш учун мулжалланган:

A) узи жойлашган циклдан

B) узи жойлашган блокдан

C) узи жойлашган функциядан

+D) узи жойлашган дастурдан

E) узи жойлашган файлдан

5. Кийматни олувчи функция уз ичида кайси сузларни олиши шарт?

A) delete

B) new

C) void

D) break

+E) return

6. Кийматни олмаган функция кайси суз оркали ифодаланади?

A) delete

B) new

+C) void

D) break

E) return

7. Кушимча юкланган функциялар:

A) битта исмга эга булган функиялар топлами

B) улар бир хил аргументлар ва типларга эга

C) дастурлаш жараёнини осонлаштиради

D) огирликни кутара олмаслиги мумкин

+E) хамма жавоблар тугри

8. Бутун натижа кайтариб хакикий аргумент кабул килувчи функция сарлавхаси аниклансин.

+A) int func1 (float a);
B) int func1 (int a);
C) float (float a);
D) float func1 (float a);
E) long func1 (float a).

9. Бутун натижа кайтариб бутун аргумент кабул килувчи функция сарлавхаси аниклансин.

A) int func1 (float a);
+B) int func1 (int a);
C) float (float a);
D) float func1 (float a);
E) long func1 (float a).

3-маъруза
C/C++ да графика

Мақсад: C / C++ тилининг график имкониятларидан фойдаланиш.

Калит сўзлар: адаптер, драйвер, график режим, чизмалар, динамик хотира

Режа:

1. C/C++ тилининг график режимида ишлаш асослари.
2. Чизмаларни ҳосил қилувчи функциялар ва процедуралар
3. Бўяш ва чизиш усуллари ҳамда стиллари ҳақида
4. График режимида турли шрифтлардан фойдаланиш
5. Динамик хотира ва ундан фойдаланиш
6. Чизмаларни экран бўйлаб харакатлантириш

3.1. C/C++ тилининг график режимида ишлаш асослари

C/C++да график режимида ишлаш учун махсус graphics.h файли мавжуд. Бу директива узгармаслар, узгарувчилар ва турли кисм дастурлардан ташкил топган булиб, улар ёрдамида турли график адаптерлар билан хар хил тасвирлар чизиш мумкин. Адаптер компьютерда graphics.h файли билан ишлаш имкониятини яратадиган махсус курилмадир. График режимига утилганда экран алохида-алохида нукталарга булинади. Хар бир нукта уз координатасига эгадир.

Энг куп ишлатиладиган адаптерлар:

1. CGA - color graphics Adapter
2. MCGA - multi color graphics array
3. EGA - enhenced graphics Adapter
4. VGA - video graphics array .

Драйверларни курсатиш учун куйидаги узгармаслар ишлатилади:

Detect = 0 CGA = 1; MCGA = 2; EGA=3; VGA=9.

Матн режимидан график режимига утиш учун махсус процедурадан фойдаланилади: initgraph (&gd, &gm, “ path “); бу ерда:

gd - драйвер номи;

gm - режим номи;

Path - керакли драйвер файлининг йули. Купинча gd=0 деб олинади.

Драйверлар .bgi файлларида сакланади. Агар драйвер ишчи каталогнинг узида жойлашган булса, у холда Path = " " (буш белгиси) булади.

График режимидан яна матн режимига утиш керак булса, closegraph( ) функцияси ишлатилади.

3.2. Чизмаларни хосил килиш учун ишлатиладиган процедура ва функциялар

1. putpixel (x, y, color) - x ва y координатадаги нуктани color рангда чизиш;
2. getpixel (x, y) - x ва y координатадаги нуктанинг рангини аниклайди;
3. line (x1, y1, x2, y2) - x1 ва y1 координатадаги нуктадан x2 ва y2 координатадаги нуктагача кесма чизиш;
4. circle (x, y, r) - маркази x ва y координатада ва радиуси R булган айлана чизиш;
5. rectangle (x1, y1, x2, y2) - юкори чап нуктаси x1 ва y1 координатада, унг пастки нуктаси x2 ва y2 координатада булган тугритуртбурчакни чизиш;
6. setbkcolor (color) - орка фонга ранг бериш;
7. setcolor (color) - чизиш рангини урнатиш (рангли калам); Бу ерда color - ранг номери ёки номи. Агар ранг номи ёзиладиган булса, уни катта харфларда ёзилади.
8. bar (x1, y1, x2, y2) - жорий ранг ва чизиклар ёрдамида ичи буялган тугритуртбурчак чизиш;
9. fillellpse (x, y, xr, yr) - маркази x ва y да, xr кенгликда ва xr баландликда ичи буялган рангли эллипс чизади;
10. getmaxx - жорий режим ва драйверлар учун нукталар сонини аниклаш; getmaxy - жорий режим ва драйверлар учун вертикал нукталар сони. Бу процедура ёрдамида компьютернинг узи экрандаги максимал нукталар сонини аниклайди.
11. linerel (x, y) - x ва y координатали нуктадан жорий нуктагача кесма чизиш;

lineto (x, y) - жорий нуктадан x ва y координатали нуктагача кесма чизиш;

12. bar3D (x1, y1, x2, y2, h, top) - параллелопипед чизади. Бу ерда h - параллелопипеднинг узунлиги; top - юкори кисмини чизиш учун керак. Агар topon - булса томи бор, агар topoff - булса томи йук.
13. arc (x, y, a, b, r) - ёй чизиш учун. Бу ерда x ва y - марказнинг координаталари, a - бош бурчак, b - охириги бурчак, r - ёй радиуси. Бурчаклар градусда кабул килинади.
14. ellipse (x, y, a, b, xr, yr) - худди шу тартибда эллипс ёйини чизади.
15. drawpoly (n, p) - купбурчак чизиш учун. Бу ерда n - купбурчакнинг учлари сони; p -. Купбурчак учларининг координаталари.

3.3. Бўяш ва чизиш усуллари ҳамда стиллари ҳақида

1. setfillstyle (style, color) - буяш усул ва рангни урнатиш. Бу ерда style - узгармас катталик булиб, у куйидагича булиши мумкин:

0 - сохани фон ранги билан тулдириш;

1- сохани ранг билан узлуксиз тулдириш;

2 - калик горизонтал чизиклар
3 - ингичка огма чизиклар
4 - йугон огма чизиклар
5 - йугон огма чизиклар (бошка стил)
6 - огма йуллар
7 - туртбурчакли чизиклар
8 - огма туртбурчаклар
9 - зич огма шртихлар
10 - сийрак нукталар (у ер - бу ерда)
11 - зич нукталар билан

2. floodfill (x, y, color) - жорий ранг ва усулдан фойдаланган холда чегараланган сохани буяш. Бу ерда x ва y - шу сохага тегишли булган бирор нукта координатаси. Аввал ранг, кейин стили курсатилади. Масалан:

```
setcolor (4);            {кизил  рангли калам, чегара ранги}
setfillstyle (1, 2);     {1-стиль  билан яшил ранг билан буяш}
circle (50, 50, 35);     {радуси 35 булган айлана чизиш}
floodfill (50, 50, 4); {айлана ичига ранг тукиш, буяладиган чегара ранги рангли калам билан бир хил булиши керак}
```

3. setlinestyle (s, a, b) – турли стилдаги чизикларни чизиш учун; Бу ерда s- style номери; a –фойдаланувчи стилини яратиши мумкин булган параметр, одатда a=1 деб олинади; b- чизикнинг калинлигини курсатадиган параметр

0 – оддий чизик;
1 – майда пунктир чизик;
2 – калин ва узунчок пунктир чизик
3 – юпка ва узунчок пунктир чизик;
4 – сийрак нуктали чизик.

1- Мисол:

```
# include <graphics.h>
# include <conio.h>
void  main ( )
{  int  i, j, gd, gm ;
gd= 0;
initgraph (&gd, &gm, " ");
setcolor (14);                                  //  сарик калам
for  ( i=0; i<=20; i++)
for  ( j=0; j<=20; j++)
circle (i*50, j*30, 55);                        //  сарик рангли айланалар
rectangle (0, 0, getmaxx, getmaxy);   //экран буйлаб тугри туртбурчак
setcolor (11);                                  //  тук феруза рангли калам
bar3d(200, 300, 100, 150, 30, topon);  //  параллелопипед, ичи ок
setcolor (CYAN);                                // оч феруза рангли калам
fillellipse (350, 360, 135, 90);             //эллипс, ичи ок рангда
getch( );
closegraph( );  }
```

2-мисол.

```
…….
void main ( )
{  gd=0;
initgraph (&gd, &gm, ' ');
   setbkcolor (BLUE);
   setcolor (14);
 rectangle (120, 130, 240, 250);
setcolor (6);
line (120, 130, 180, 80);
setcolor (2);
line (180, 80, 240, 130);
setcolor (14);
rectangle (160, 160, 200, 250);
setcolor (4);
setfillstyle(7, 9);
circle( 300, 300, 50);
floodfill (300, 300, 4);
getch( ); closegraph ( );   }
```



3.4. График режимида шрифтлар

График режими холатида турли шрифтлардан фойдаланиб матнларни хам ёзса булади. Шрифтлар .chr кенгайтмали файлларда сакланади. Улар .bgi файллари билан битта каталогда сакланиши шарт.

1. outtextxy (x, y, 'matn'); - матнни ёзиш; бу ерда x ва y матн бошланадиган нукта координаталари; масалан: outtextxy (10, 10, 'Mirzaev K. 212-07 Aty’);
2. settextstyle (sh, n, r); мант шрифтини урнатиш; бу ерда sh - шрифт номери (0 - векторли шрифт, 1 - стандарт шрифт); n - шрифт йуналиши (0 - чапдан унгга, 1 - куйидан юкорига ёзиш); r - шрифт размери (оддий шрифтда 1, векторли шрифтда 4 деб олинади);
3. settextjustify (h, v) - ёзилган каторни текислайди. У outtextxy процедурасидан кейин ёзилади. Бу ерда h - горизонтал текислаш; v - вертикал текислаш; Горизонтал текислаш учун: 0 - чапга; 1- марказга; 2 - унгга. Вертикал текислаш учун: 0 - пастга; 1 - марказга; 2 - юкорига.
4. setusercharsize - вектор шрифтлари учун бир хил символларнинг эни ва буйини урнатади. Масалан: setUserCharSize(x1, y1, x2, y2);

3-мисол. Функцияларнинг графикларини чизиш.

```
# include <graphics.h>
# include <conio.h>
# include <math.h>
void  main ( )
```

```
{  int  i, j, gd, gm ;  float x, y;
gd=0;   initgraph (&gd, &gm, "  ");
setcolor (14);
line (320, 0, 320, 480);
line (0, 240, 640, 240);
line (480, 0, 480, 235);
line (325, 120, 635, 120);
line (160, 245, 160, 475);
line (0, 360, 315, 360);
line (480, 245, 480, 475);
line (325, 360, 635, 360);

x =-10;  outtextxy(10, 20, ' y=sin(x) grafigi');
do
{ y = sin(x);
putpixel (160 + 10*x, 120 - y, 5);
 x = x+0.001;   }
while  (x<=10);

x1 = -10;  outtextxy(10, 20, ' y=cos(x) grafigi');
do
{ y = cos(x1);
putpixel (480 + 20*x1, 120 - 20*y1, 6);
 x1 = x1+0.001;   }
while  (x1 < =10);

x2 = -10;  outtextxy(10, 20, ' y=exp(x) grafigi');
do
{ y2 = exp(x2);
putpixel (160 + 10*x2, 360 - 20*y2, 7);
 x2 = x2+0.001;   }
while  (x2 <=10);

x3 = -10;  outtextxy(10, 20, ' y=ln(x) grafigi');
do
{ y3 = ln(x3);
putpixel (480 + 10*x3, 360 - y3, 8);
 x3 = x3+0.001;  }
while  (x3 <=10);  getch( );  closegraph( );   }
```

3.5. Динамик хотира ҳақида

include <grahpics.h> директивасининг яна шундай процедуралари мавжудки, улар ёрдамида чизмаларни экран буйлаб харакатга келтириш

мумкин. Фигураларни харакатга келтиришнинг бир неча усуллари бор. Улардан бири харакатни такрорланиш буйруги оркали ташкил килишдир. Иккинчи усул экранда чизилган чизма жойлашган сохани массив куринишида эслаб колиб, уни махсус процедура ёрдамида экраннинг керакли нуктасига кучиришдир. Бунда динамик хотирадан фойдаланилади.

Катта микдордаги маълумотлар ишлатиладиган масалаларни ечишда, компьютернинг график имкониятларидан фойдаланганимизда хотира хажми етишмаслиги мумкин. Бундай холларда динамик хотира жуда кул келади. Динамик хотира бу компьютернинг дастурга маълумотлар сегментидан ташкари юклатилган тезкор хотирадир. Бу хотира тахминан 200-300 Кбни ташкил килади. Динамик хотирадан фойдаланиш учун курсаткичлар ишлатилади. Бу узгарувчиларни (курсаткичларни) хотирада жойлаштиришни компилятор амалга оширади. Курсаткич шундай узгарувчики, унинг киймати узгарувчи кийматига эмас, балки шу узгарувчи жойлашган хотира адресига тенгдир.

Динамик хотира сохасидан жой ажратиш учун **new** оператори ишлатилади. Бу суздан кейин хотирага жойлаштириладиган объект типи аникланади. Масалан: new int; деб ёзсак, динамик хотирадан 2 байт жой ажратган буламиз. Масалан: int *p;

p = new int;

ёки int *p = new int ;

Ажратилган хотира сохасига бирор кийматни жойлаштириш мумкин: *p = 750 ;

Бу ёзувни куйидагича укилади: « p курсаткичида адреси сакланаётган хотирага 750 сонини ёзинг ».

Динамик хотира сохаси чегараланган, у тулиб колганда new оператори оркали жой ажратиш хатоликка олиб келади. Бу холни биз хотиранинг тулиб кетиши ёки окиб кетиши деймиз (утечка памяти). Шунинг учун хотира бошка керак булмаса уни бушатиш зарурдир. Буни **delete** оператори ёрдамида бажарилади. Масалан: delete p;

3.6. Экранда чизмаларни харакатлантириш

Экранда чизмаларни харакатлантириш учун керак буладиган процедуралар:

1.i**magesize (x1, y1, x2, y2)** – экраннинг чап юкори нуктаси ва унг пастки нуктаси координаталаридан тугритуртбурчакли сохани саклаш учун керак буладиган хотиранинг улчами (байтларда олинади);

2. g**etimage (x1, y1, x2, y2, p)** – динамик хотиранинг берилган p майдонида тугритуртбурчакли тасвирни саклаш. Бу ерда p – тасвир сакланадиган жойнинг адресини саклайдиган узгарувчи, яъни курсаткич.

3. **putimage (x, y, p, m)** – экраннинг берилган жойига тасвирни чикариш; бу ерда x ва y – хотиранинг p майдонидаги тасвирдан нусха кучириладиган экран майдонининг чап юкори нуктаси; m – тасвирни экранга чикариш режими. Агар:

m = 0 (NormalPut) - тасвирни кучириш. Бунда эскичи учиб, янгиси пайдо булади (худди юриб кетаётгандек)

m = 1 (XorPut)

m = 2 (Orput) –

m = 3 (AndPut)

Масалан: қуйидаги дастурда квадрат ичидаги бўялган айлана экран бўйлаб харакатланади.

```
# include < graphics.h >
# include <conio.h >
# include <dos.h >
void main ( )
{  int  gd = 0, gm, I, j, s;  int  *a;
  initgraph(&gd,&gm,"");
  setcolor ( 4 );
  circle ( 30, 30, 20 );  putpixel ( 30, 30, 2);
  rectangle ( 10, 10, 50, 50);
  s = imagesize ( 9, 9, 51, 51);
   *a = new  int;   *a = s;
  getimage (9, 9, 51, 51, a);
  for ( i = 0; i < = 585; i + +)
  { putimage ( i, 10, a, 0);  sound (20);   delay (10); nosound ( ); }
  for ( j = 10; j < = 420;  j + +)
  { putimage(585, j, a, 0 );  sound ( 30 );  delay (10);  nosound( );}
  for (i = 585;  i > = 10; i - -)
  { putimage(i, 420, a, 0);  delay ( 10 ); }
  for (j = 420;  j >10; j - -)
  { putimage(10, j, a, 0);  delay( 10 ); }
  delete  a;
  getch();  //closegraph( );
  }
```

Назорат саволлари.

1. C/C++ тилида график режимида ишлаш учун қандай директивалар керак бўлади?
2. Кўп ишлатиладиган адаптерлар ҳақида маълумот беринг.
3. Драйвер нима ва унинг вазифаси
4. Оддий чизмаларни ҳосил қилиш учун қайндай функция ва процедуралар мавжуд?
5. Нуқта, тўғри чизиқ, айлана, тўғри тўртбурчак, ичи бўялган тўртбурчак, эллипс, ёй, параллелопипед ва шу кабиларни чизиш структуралари
6. Соҳани бўяш структураси.
7. Чизиш стилларини ўрнатиш
8. Графикада матнларни ишлатиш асослари.
9. Функциянинг графигини чизиш.
10. Динамик хотира нима ва унинг вазифаси.
11. Динамик хотира учун жой ажратиш.
12. Динамик хотирани бўшатиш.
13. Экранда чизмаларни харакатлантириш учун керакли функция ва процедуралар.

Адабиётлар

1. Т.Х.Холматов ва бошқалар. “Информатика”, Тошкент, 2003
2. Р.Каримов ва бошқалар. “Дастурлаш”, Тошкент, 2003
3. Ш.Ш.Шохамидов. “Амалий математика элементлари”, Тошкент, 1997
4. Ашарина И.В. “Основы программирования на языках С и С++”, Москва, 2002
5. Павловская Т.А. «С /С++ программирование на языке высокого уровня», С.Петербург, 2001

ТЕСТЛАР

1. Нуқтани чизувчи функция:
A) circle (x,y);
B) line (x1,y1,x2,y2);
+C) putpixel (x,y,color);
Д) getpixel (x,y);

2. Айланани чизувчи функция:
+A) circle (x,y);
B) line (x1,y1,x2,y2);
C) putpixel (x,y,color);

Д) getpixel (x,y);

3. Кесмани чизувчи функция:
A) circle (x,y);
+B) line (x1,y1,x2,y2);
C) putpixel (x,y,color);
Д) getpixel (x,y);

4. Нуқтанинг рангини аникловчи функция:
A) circle (x,y);
B) line (x1,y1,x2,y2);
C) putpixel (x,y,color);
+Д) getpixel (x,y);

5. Буяш усули ва рангини урнатувчи функция:
+A) setfillstyle (a, b);
